

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АМОНОВ АБДУРАХМОН РАФИҚ ЎҒЛИ**

**ПОЛИМЕР КОМПОЗИТ ҚОПЛАШ ҚУРИЛМАСИ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ  
ВА ЮРИТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ МЕТОДЛАРИ**

05.02.03 - Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника  
ва робототехника тизимлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган- 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Амонов Абдурахмон Рафик ўғли**

Полимер композит қоплаш қурилмаси ишчи органлари ва юритиш  
механизмлари конструкциясини ишлаб чиқиш ва параметрларини ҳисоблаш  
методлари.....9

**Амонов Абдурахмон Рафик угли**

Совершенствование конструкций и методы расчета параметров рабочих  
органов и проводных механизмов устройства для нанесения полимерных  
композиций.....27

**Amonov Abdurakhmon Rafik ugli**

Improvement of structures and methods for calculating the parameters of working  
bodies and wire mechanisms of a device for applying polymer compositions.....49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АМОНОВ АБДУРАХМОН РАФИҚ ЎҒЛИ**

**ПОЛИМЕР КОМПОЗИТ ҚОПЛАШ ҚУРИЛМАСИ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ**  
**ВА ЮРИТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ИШЛАБ**  
**ЧИҚИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ МЕТОДЛАРИ**

05.02.03- Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника  
ва робототехника тизимлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган- 2021**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация  
комиссиясида В2021.4.PhD/T1598 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик - технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган  
муҳандислик-технология институти хузуридаги Илмий Кенгашнинг веб- саҳифасида  
(www.nammti.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джураев Анвар Джураевич  
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Холиков Қурбонали Мадаминович  
техника фанлари доктори, профессор

Далиев Шухратжон Латифжонович  
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти хузуридаги  
PhD.03/30.12.2019.T.66.01 ракамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «07» январь куни соат 9<sup>00</sup> даги  
мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7, тел.: (+99869)228-76-68, 225-10-  
07, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: niei\_nfo@edi.uz, Наманган муҳандислик-технология институти  
маъмурий биноси, 1-кават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида  
танишиш мумкин (436-раками билан рўйхатга олинган). Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7 уй,  
тел.: (+99869) 228-76-68. факс: (+99869) 228 76-68.

Диссертация автореферати 2021 йил «27» декабрь куни тарқатилди.

(2021 йил «27» декабрдаги № 60-ракамли реестр баённомаси).



Р. М. Муродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор

Х.Т. Бобожанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., доцент

К.М. Холиков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда тўқимачилик ва тикувчилик соҳасида турли хил материаллардан олинган тикув маҳсулотларига бўлган талаб кескин суратларда ошиб бормоқда. «Дунё тўқимачилик борада тикувчилик маҳсулотлари учун газламаларни ишлаб чиқариш йилига 120 млрд м<sup>2</sup> ни ташкил этиб, бу борада Шарқий ва Жанубий Осиё, АҚШ, Европа ва МДХ давлатлари етакчилик қилмоқда»<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан тикув маҳсулотларини сифатини яхшилаш, экспортбоп ва рақобатбардош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқиш, уларнинг ассортиментини кенгайтириш, замонавий тикув ускуналарини, тикув технологиясини, материалларни, айниқса брезентни тикишдаги чокларини полимер композиция қоплаб мустаҳкамлигини, намликка бардошлилигини ошириш, сув ўтказмаслигини таъминлаш бўйича техника ва технологияларни такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда юқори сифатли тикув буюмларини ишлаб чиқишда турли мустаҳкамликдаги характеристикаларга эга бўлган, материалларни тикиш жумладан брезент материалларини тикиш технологиясини такомиллаштириш, чокларига полимер композициясини қоплаш бўйича илмий асосларни яратиш муҳим ҳисобланади. Хусусан, тикув материалларини чокларини чидамлилиги ва мустаҳкамлигини оширадиган махсус қопламаларни илмий таҳлил қилиш ва математик моделларини ишлаб чиқиш, тикиладиган материаллар чокларига полимер композитини мустаҳкамликки таъсирини аниқлаш, сув ўтказмаслигини таъминлаш ва оптимизация масаласи ёрдамида тикув машинаси ишчи органлари параметрларини ишлаб чиқиш зарурдир.

Республикамизда энгил саноатни ривожлантиришда рақобатбардош бўлган сифатли тикув маҳсулотларини ишлаб чиқишга ҳамда юқори иш унумига эга бўлган тикув машиналарини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»<sup>2</sup> вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажаришда, жумладан тикув машиналарида тикилаётган кийим деталлари чокларига полимер композит қоплап мустаҳкамлигини оширишнинг сув ўтказмасликни таъминлаш кенг самарали конструкциясини яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687 сон «2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожланиш чоралари бўйича дастур ҳақида»,

<sup>1</sup> <https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira.International Trade Centre, ttp://www.export.by/act, http://worldofschool.ru2016>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692 сон «Жисмоний ва маънавий эскирган жиҳозларни янгилаш, ҳамда соҳалар ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш бўйича кўшимча чоратадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устивор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Тикувчилик ишлаб чиқариш техника ва технологиясини такомиллаштириш, тикилаётган материаллар бахяқаторларига полимер композицияси қоплаш технологияси ва қурилмаларини яратиш ва тадқиқ этиш билан ҳорижда L.Bellio (АҚШ), H.Schroeder (АҚШ), S.Striker (АҚШ), R.Sugimoto (Япония), В.Н.Горбарук (Россия), Г.А.Гайнулин (Россия), А.И.Комиссаров (Россия), В.П.Щербаков (Россия), В.Л.Полухин (Россия) шуғулланишган. Кийимлар шаклини танланиши, материалларни ва ипларни танлаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ҳамда сифатини яхшилаш бўйича тадқиқотлар В.В.Исаев (Россия), Л.В.Кальницкий (Россия), В.В.Рачок (Россия), Л.Рейбарх (Россия), О.Сузуки (Япония), И.В.Черунова (Россия), Д.С.Мансури (Россия), С.Баубеков (Қозоғистон), К.Джаманкулов (Қозоғистон), Р.О.Жилисбаева (Қозоғистон) ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Республикада тикув буюмлари дизайни, тикувчилик соҳасини ривожлантириш, маҳаллий материаллардан кенг ассортиментдаги сифатли буюмларни тайёрлаш, комплекс технологиялар ишлаб чиқиш, тикув буюмларини лойиҳалашда автоматлаштириш, тикув машиналари ва қурилмаларини такомиллаштириш масалалари Х.Х.Камилова, С.Ш.Ташпулатов, З.Ш.Таджибаев, Х.Алимова, А.Джураев, М.А.Мансурова, Ф.У.Нигматова, Д.Ў.Арипжанова, М.Расулова, Н.Набижонова ва бошқалар томонидан бажарилган.

Лекин материалларни, жумладан брезент материалларини тикилган чокларига полимер композитини қоплаш, уни қуриштириш орқали мустаҳкамлигини ошириш ва сувни ўтказмаслигини таъминлаш қурилмаларини яратиш, параметрларни асослаш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик - технология институти ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий тадқиқот ишлари режасининг И-2015-2-4 «Трикотаждан сифатли маҳсулотларни тайёрлашда юқори эластик бахяларни олиш учун ресурстежамкор тикув машинаси конструкциясини модернизация қилиш ва жорий этиш» (2015-2016), ОТ-А3-35 «Ресурстежамкор, юқори иш унумида сифатли тикишни таъминлайдиган тикув машиналари юритмаси конструкциясини ишлаб чиқиш ва ҳисоблаш

методлари» (2017-2018) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган. №Ф5-032 “Ўзгарувчан параметрли механизмларнинг анализ ва синтези илмий асосларини ишлаб чиқиш” (2000-2011 йй.) №ОТ-Ф2-61 “Тўқимачилик ва енгил саноати асосий технологик машиналарнинг таркибли кинематик жуфтли ва қайишқоқ элементли янги ричагли механизмларни ҳисоблашнинг илмий асосларини яратиш” (2017-2020 йй.), мавзуларидаги лойиҳалар ҳамда “Енгил саноат машина ва жиҳозлари” кафедраси илмий тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** брезент материалларни тикилган чокларига полимер композитини қоплаб, уни қуришиб мустаҳкамлигини ошириш қурилмасини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

брезент материалларини тикилган чокларига полимер композициясини қоплаш ва қуришиб қурилмаси конструкциясини ишлаб чиқиш;

қурилманинг қайишқоқ сиртли сиқиш ролигини тебраниш қонунияти, параметрларининг боғланиш графикларини таҳлилин қилиш;

полимер қопловчи ролик резинали втулкаси ва брезент чоклари юзасини ўзаро таъсирини инобатга олиб втулканинг бикрлик коэффицентини аниқлаш, қийматларини асослаш;

брезент чокларига полимер қопловчи ролик билан чок юзаси орасидаги ишқаланиш кучини аниқлаш формуласини ролик йиғинди массаси, инерцион ва геометрик ўлчамлари, қайишқоқ элементлар келтирилган бикрликларни, ролик ва брезент чизиқли тезликлари нисбатини инобатга олиб ишлаб чиқиш;

брезент чокларига полимер қоплаш ва қуришиб ускунасида электротензометрик схемадан фойдаланиб бош валдаги буровчи момент, айланиш частотасини, роликнинг юкланишини, полимер сарфини, қиздириш зонасидаги ҳароратни ўзгариш қонуниятларини аниқлаш:

параметрларнинг ўзаро боғлиқлик қонуниятларини аниқлаш асосида полимер композит сарфини, роликни сиқувчи кучи қийматини бош валнинг айланиш частотасини, юкланишини, резина втулкаси бикрлигини тавсия қийматларини тавсия этиш;

тўлиқ омилли тажрибавий тадқиқотлар асосида ПВ, ОП ва СКПВ маркали брезент материалларини, уларнинг чокларига ПВХ ва Силикон полимерларини қоплаш натижасидаги мустаҳкамликни ва сув ўтказмасликни таъминлайдиган бош вални айланиш частотаси, ролик бикрлиги ва полимер сарфини оптимал қийматлари тавсия қилинади.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тикув машинасида тикилаётган брезент материалларидан тикиладиган чокларга полимер композицияни қоплаш, ускунасини қурилмаси ва маҳсус мосламали столи олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** брезент материалларини полимер композит билан қоплангандаги мустаҳкамлиги, полимерни сарфи, қуришиб вақти, ҳарорати, параметрларини ўзгариш қонуниятлари, боғланиш графиклари ва тавсия параметрларини қийматлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий механика, тебранишлар назарияси, материаллар қаршилиги, полимер композит ва резиналар технологияси, тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси ва тензометрия усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

брезент материалининг тикилган чокларининг мустаҳкамлигини ошириш учун полимер композицияси билан қоплаш, қуритиш ва сув ўтказмаслигини таъминлайдиган қурилмаси конструкцияси яратилган;

қурилманинг қайишқоқ сирти сиқиш ролигини тебранишларини ифодаловчи математик модели олинган, аналитик ечиш асосида ҳаракат қонуни, боғланиш графиклари аниқланди ва параметрлари асосланди;

полимер қопловчи ролиги, резинали втулкаси ва резент чоклари орасини ўзаро таъсирини инобатга олиб втулканинг бикрлик коэффициентини ҳисоблаш формуласи ишлаб чиқилган ҳамда полимер сарфини камайтирувчи ролик радиуси ва қамров бурчаги қийматлари аниқланган;

брезент чокларига полимер қоплаш ва қуритиш ускунасида электротензометрик схемадан фойдаланиб бош валдаги буровчи момент, айланиш частотасини, роликнинг юкланишини, полимер сарфини, қиздириш зонасидаги ҳароратни ўзгариш қонуниятлари ҳамда параметрларининг ўзаро боғлиқлик қонуниятлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

брезент деталларини бириктириш чокларини мустаҳкамлигини ошириш мақсадида полимер композициясини қоплаш уни қуритиш ва сувни ўтказмаслигини таъминлаш учун таркибли сиқувчи роликлари бўлган қурилмасининг самарали конструкцияси ишлаб чиқилган;

тўлиқ омилли тажрибалар асосида тикилаётган материаллар чокларига полимер композициясини қоплашни таъминлайдиган параметрларнинг рационал қийматлари тавсия этилди. Ишлаб чиқаришда қўллашга тавсия қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги диссертацияда шакллантирилган илмий ҳолатлар, тамойиллар, хулосалар ва тавсиялар, назарий ва тажрибавий тадқиқот натижаларини бири-бирига мос келиши, апробация ва жорий қилинишидаги ижобий натижалар, шунингдек натижаларни солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра, уларнинг адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларнинг кўриб чиқиладиган фан соҳасидаги маълумотларига қиёсий таҳлили билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасининг илмий аҳамияти қурилмани қайишқоқ сиқувчи ролигини вертикал тебранишлари қонуниятини ифодаловчи аналитик ечими олинган, роликнинг ташқи втулкасининг резент чоклари юзаси билан таъсирини валларнинг ҳаракат қонунлари ва қонуниятини, параметрларининг боғлиқлик графиклари, ҳамда чокларни мустаҳкамлигини таъминлайдиган полимер сарфи, ролик диаметри, керакли тезлиги қийматларини асосланганлиги билан изоҳланади.



Тадқиқотларининг амалий аҳамияти брезент материалларни тикилган чокларига полимер композицияси билан қоплаб уни қуритиш ва сув ўтказмаслигини таъминлаш, мустаҳкамлигини оширадиган қурилма ишлаб чиқилганлиги, тўлиқ омилли тажрибалар асосида параметрларнинг мақбул параметрларини тавсия қилинганлиги, ишлаб чиқаришга қўллаш имкониятлари билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тикилган материаллар чокларининг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида полимер композициясини қоплаш қурилмаси конструкциясини ишлаб чиқиш натижалари асосида:

тикилган брезент материали чокларининг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида полимер композициясини қоплаш қурилмаси Бухоро вилояти “ЕСО FABRIC” МЧЖ ҳамда Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги “SHOFIRKON EKVOTARIAL TEKS” МЧЖ корхоналарида ишлаб чиқаришга жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2021 йил 29 сентябрдаги 03/03-2737 сонли маълумотномаси); Илмий тадқиқот натижасида полимер композит қоплаш қурилмасининг узатувчи механизмлари конструкцияси қўлланилганда брезент чокларнинг мустаҳкамлик даражаси 1,5-2 мартага ошганлиги ҳамда тикилган ипларнинг узилиши камайганлиги кузатилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 11 та илмий конференцияларда, шу жумладан 3 та халқаро ва 8 та республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация бўйича 18 та илмий иш эълон қилинган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан нашрга тавсия этилган илмий журналларда 7 та илмий мақола, жумладан, 2 та республика ва 5та хорижий журналларда чоп этилган.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 152 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзуси бўйича тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети баён қилинган, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий йўналишларига мутаносиблиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалда қўлланилиши бўйича маълумотлар, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тикилган материаллар чокларига полимер композициясини қоплашнинг техника ва технологиясини такомиллаштириш бўйича ишлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида адабиёт манбаларининг таҳлилий шарҳи, хусусан тикув машиналарида материаллар чокларига полимер композициясини қоплаш бўйича конструкциялар таҳлили, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган.

Улар асосида брезент материаллари чокларига полимер композициясини қоplash, қуришиш ускунасининг самарали конструктив схемаси тавсия этилган (1-расм).




**1-расм. Чокларга қопланган полимерни қуришиш зонаси бўлган ускуна схемаси**

Қурилма қуйидаги тарзда ишлайди. Бириктирилаётганда деталлар 12 тишли рейка 15 ва игна пласинаси 17 га тепки 14 билан босиб берилади. Газламани баҳя йириклигида сурилиши игна пластинасидаги тешикларига жойлашган тишли рейка ёрдамида амалга оширилади. Бириктирилаётган материаллар тикув машинаси корпуси 1 орқали 4 ва 5 валларида ўрнатилган ўзаро айланма устки 2 ва остки 3 роликлар орасидан ўтади. Материаллар силжиш пайтида устки ванна 8 дан шимдирувчи трубка 10 орқали полимерли композит устки роликнинг ғовак сирти 18 га етказилади ва устки газламага плёнка 13 қўринишида шимдирилади. Полимерли композицияни етказиб берилиши ростлагич 11 ёрдамида назорат қилинади. Бириктирилаётган материалларнинг остки қатламига полимерли композицияси 13 пастки ролик 2 ёрдамида шимдирилади. Пастки ролик ҳам ғовак сирт 18 га эга ва пастки ванна 9 да полимерли композициясига қисман ботириб қўйилган. Бириктириш пайтида полимерли композицияси 15-20 мм кенгликдаги чизик қўринишида суртиб кетилади. Бунда ҳосил бўлган чок чизикнинг маркази бўйлаб туширилади. Суртилган полимерли қоламалар 13 кожухлар 6 да жойлашган тэн 7 ёрдамида ўша захотиёқ қурилади. Кожух ичидаги хароратни назорат қилиш учун ток кучланиши регулятори 21 ишлатилади. Йўналтирувчилар 19 ва 20 газламалар 12 ни бемалол сурилишини таъминлаб беради. Ушбу конструкция тикув буюмлардаги жумладан брезент материалларнинг ипли чокларга суртилган елимларни ўз вақтида қуришиш орқали чокларни мустаҳкамлигини оширишга имкон яратади.

Диссертациянинг “**Брезент чокларига полимер композитини қоловчи ускунаси ишчи органлари параметрларини ва ишлаш режимларини аниқлашнинг назарий тадқиқотлари натижалари таҳлили**” деб номланган иккинчи бобида тавсия этилган конструкция параметрларини асослаш бўйича назарий тадқиқотлар қийматлари келтирилган.

Брезент чокларига полимерни қоplash ускунаси тажрибавий ролигини тебранишлари қоламани сарфини, қалинлигига ва силжиш даражасини, яъни чокни қанчалик мустаҳкамлиги ошганини белгилайди, 2-расмда брезент

чокларига полимер қопламасини амалга оширувчи ускунасининг таркибий ролиги тебранишларини аниқловчи ҳисоб схемаси келтирилган.



бу ерда, 1 – ролик,  
2,3 – пружиналар, 4 – корпус  
планкаси, 5 – ролик таянчлари.  
а – ҳисоб схемаси,  
б – роликни жойлашиш  
схемаси.

**2-расм. Брезент чокларига полимер қоплаш ускунаси ҳисоб схемаси ва роликни ускунадаги жойлашиш схемаси**

Лагранжнинг II- тартибли тенгласидан фойдаланиб таркибли ролик ўқини вертикал ўқ бўйлаб ҳаракатини ифодаловчи дифференциал тенгламани ҳосил қиламиз.

$$(m_{\text{ўқ}} + m_{\text{қ}} + m_{\text{пл}}) \left( \frac{d^2 x}{dt^2} \right) = F_1 + F_0 \sin \omega t \pm \delta F_1 - (b_{\text{пр}} + b_1 + b_2) \left( \frac{dx}{dt} \right) - \frac{c_1 \cdot c_2 \cdot c_{\text{пр}} x}{c_1 \cdot c_2 - c_{\text{пр}}(c_1 + c_2)} \quad (1)$$

бу ерда,  $m_{\text{ўқ}}$ ,  $m_{\text{қ}}$ ,  $m_{\text{пл}}$ - мос равишда ролик ўқи, қайишқоқ втулкаси ва сиртидаги полимернинг массалари,  $c_1, c_2, c_{\text{пр}}$ - мос равишда сиқувчи пружиналар, ролик резинали втулкаси ва брезент материали бикрлик коэффициентлари,  $b_{\text{пр}}, b_1, b_2$ - мос равишда сиқувчи пружиналар, ролик резинали втулкаси ва брезент материали диссепация коэффициентлари.  $F_1, F_0$  ва  $\delta F_1$ - роликга ташқи таъсир кучининг ўртача амплитудаси қийматлари ва тасоддий ташкил этувчиси,  $\omega$  – ташқи таъсир кучининг ўзгариш частотаси,  $t$  – вақт.

Мавжуд аналитик ечиш усулидан фойдаланиб, бошланғич шартлар  $t = 0$ ;  $x = x_0$ ;  $\dot{x}_0 = 0$  ни инобатга олиб роликни тебраниш қонунияти ифодаси олинди:

$$x = \frac{F_0' \sin(\omega t - \beta)}{\sqrt{\left[ \frac{c_1 \cdot c_2 \cdot c_{\text{пр}}}{(m_{\text{ўқ}} + m_{\text{қ}} + m_{\text{пл}})[c_1 \cdot c_2 - c_{\text{пр}}(c_1 + c_2)]} - \omega^2 \right] + \left[ \frac{\omega(b_{\text{пр}} - b_1 - b_2)}{m_{\text{ўқ}} + m_{\text{қ}} + m_{\text{пл}}} \right]}} \quad (2)$$

$$F_0' = \frac{F_0}{m_{\text{ўқ}} + m_{\text{қ}} + m_{\text{пл}}}$$


Мос равишда ускуна таркибли ролиги кучининг хусусий тебранишлар частотаси:

$$f_x = \sqrt{\frac{c_1 \cdot c_2 \cdot c_{\text{пр}}}{(m_{\text{ўқ}} + m_{\text{қ}} + m_{\text{пл}})[c_1 \cdot c_2 - c_{\text{пр}}(c_1 + c_2)]}} \quad (3)$$

Олинган (2) ни сонли ечимини параметрларнинг қуйидаги бошланғич қийматларида амалга оширилди:  $C_{\text{пр}} = (3,8 \div 4,5) \cdot 10^3 \text{ Н/м}$ ;  $C_1 = (1,5 \div 2,4) \cdot 10^3 \text{ Н/м}$ ;

$C_2=(1,8\div 2,5)\cdot 10^3\text{Н/м}$ ;  $m_{\dot{y}_k}=(3,5\div 4,5)\cdot 10^{-2}\text{кг}$ ;  $m_k=(2,0\div 2,4)\cdot 10^{-2}\text{кг}$ ;  $m_{\text{пл}}=(0,6\div 0,14)\cdot 10^{-2}\text{кг}$ ;  $b_{\text{пр}}=(3,0\div 4,0)\text{Нс/м}$ ;  $b_1=(0,8\div 1,1)\text{Нс/м}$ ;  $b_2=(0,7\div 0,9)\text{Нс/м}$ .

Брезент чокларига полимерни қоплаш ролиги вертикал тебранишлари амплитудасини қайишқоқ элементлар ва брезент материали келтирилган бикрлик коэффицентига боғлиқлик графиклари олинди. Ушбу боғланиш қонуниятларига асосан қайишқоқ элементлар ва брезент материални келтирилган бикрлик коэффицентига  $1,4\cdot 10^3\text{ Н/м}$  дан  $4,1\cdot 10^3\text{ Н/м}$  гача ортганида роликнинг вертикал тебранишлари амплитудаси йиғинди массаси  $5,6\cdot 10^{-2}\text{ кг}$  лигида А қийматлари  $1,58\cdot 10^{-3}\text{ м}$  дан  $0,63\cdot 10^{-3}\text{ м}$  гача чизиқли бўлмаган боғланишда камайишини кўриш мумкин (3-расм).



$$1 - (m_{\dot{y}_k} + m_k + m_{\text{пл}}) = 5,6 \cdot 10^{-2} \text{ кг};$$


$$2 - (m_{\dot{y}_k} + m_k + m_{\text{пл}}) = 11,2 \cdot 10^{-2} \text{ кг}.$$

**3-расм. Брезент чокларига полимерни қоплаш ролиги вертикал тебранишлари амплитудасини қайишқоқ элементлар ва брезент материали келтирилган бикрлик коэффицентига боғлиқлик графиклари**

Лекин йиғинди масса қиймати икки марта кўпайтирилганда тебраниш амплитудаси  $1,0\cdot 10^{-3}\text{ м}$  дан  $0,31\cdot 10^{-3}\text{ м}$  гача чизиқли қонуниятда камаяди. Яъни қанча масса ва бикрлик кичкина бўлса, мос равишда тебраниш амплитудаси камаяди. Тебраниш амплитудаси катта бўлиши полимер қатламини нотекис қалинликда бўлишига олиб келади. Шунинг учун қуйидаги параметрлар тавсия этилади:  $C_k=(3,0\div 3,5)\cdot 10^3\text{ Н/м}$  ва  $(m_{\dot{y}_k} + m_k + m_{\text{пл}}) = (8,0\div 10)\cdot 10^{-2}\text{ кг}$ .

Полимер қопловчи тартибли ролик резинали втулкаси бикрлиги  $1,2\cdot 10^3\text{ Н/м}$  дан  $2,6\cdot 10^3\text{ Н/м}$  гача кўпайганида ролик силжиши ва тезлиги тебраниш қамровлари ночизиқли қонуниятда камаяди. Бунда  $F_0 = 2,5\text{ Н}$  бўлганда  $\Delta X$  қийматлари  $2,05\cdot 10^{-3}\text{ м}$  дан  $0,74\cdot 10^{-3}\text{ м}$  гача камаяди,  $F_0 = 5,0\text{ Н}$  бўлганда  $\Delta X$  мос равишда  $2,8\cdot 10^{-3}\text{ м}$  дан  $1,41\cdot 10^{-3}\text{ м}$  гача камаяди. Тезликни тебраниш қамрови ҳам мос равишда  $F_0 = 5,0\text{ Н}$  да  $\Delta \dot{X}$  қийматлари  $5,2\text{ м/с}$  дан  $3,2\text{ м/с}$  гача камайишини таъкидлаш мумкин. Юқорида таъкидланганидек роликни вертикал тебраниш қамровини ортиши полимерни нотекис тақсимланишига олиб келади. Лекин  $\Delta \dot{X}$  нинг ортиши полимерни чокларни орасига сингишини таъминлайди. Шунинг учун  $\Delta X \leq (2,0\div 2,5)\cdot 10^{-3}$  ва  $\Delta \dot{X} > (3,0\div 3,5)\text{ м/с}$  бўлишини таъминлаш учун ролик қайишқоқ втулкаси бикрлик коэффицентини  $(1,5\div 2,0)\cdot 10^3\text{ Н/м}$  оралигида танлаш тавсия этилади.

Тадқиқотлар таҳлилига кўра таъсир кучи қанча юқори бўлса,  $\Delta X$  ва  $\Delta \dot{X}$  қийматлари ночизиқли қонуниятда ортиб боради (4-расм, 1-4 графиклар).  $\Delta X$  ва  $\Delta \dot{X}$  фарқини юқорида таъкидланган қийматларини таъминлаш учун  $F_0$  қийматларига  $(5,0\div 5,5)\text{ Н}$  дан ошмаслигини таъминлаш талаб этилади.




1,2 –  $\Delta X = f(F_0)$ ; 3,4 –  $\Delta \dot{X} = f(F_0)$ ;  
 1,3 –  $(m_{\dot{y}_k} + m_k + m_{пл}) = 5,6 \cdot 10^{-2} \text{ кг}$ ;  
 2,4 –  $(m_{\dot{y}_k} + m_k + m_{пл}) = 11,2 \cdot 10^{-2} \text{ кг}$ .

**4-расм. Ролик тебранишларидаги сиқилиш ва тезлик қамровларини ташқи куч амплитудасига боғлиқлик графиклари**

Маълумки роликнинг йиғинди массасини ортиши ролик силжиши ва тезлигини тебраниш амплитудаларини камайтиради. Таъсир кучининг тасодифий ташкил этувчиси боғланиш графикларини четга чиқишини (5,0÷7,0)% дан ошмаслигини кўриш мумкин (5-расм). Демак  $A_x$  ва  $A_{\dot{x}}$  ларнинг тавсия қийматларини олиш учун роликнинг йиғинди массаси  $(8,0 \div 10) \cdot 10^{-2} \text{ кг}$  оралиғида олиш керак бўлади.

Тадқиқотлар натижасига кўра ролик тебраниш амплитудасини  $A_x \leq (1,0 \div 1,3) \cdot 10^{-3} \text{ м}$  ва тезликнинг тебраниш амплитудасини  $(1,5 \div 2,0) \text{ м/с}$  дан юқори бўлишини таъминлаш учун қайишқоқ элементларнинг келтирилган дисипация коэффициентларини  $(2,2 \div 2,9) \text{ Нс/м}$  оралиғида олиш тавсия этилади.



1,2 –  $A_{\dot{x}} = f(m)$ ;  
 3,4 –  $A_x = f(m)$ ;  
 1,3 –  $F = (4 \pm 0,35) \text{ Н}$ ;  
 2,4 –  $F = (2 \pm 0,15) \text{ Н}$   
 Графикларни четга чиқиши (5÷7) %

**5- расм. Роликни силжиш ва тезлик амплитудаларини ўзгаришини келтирилган ролик массаси қийматларига боғлиқлик графиклари**


Брезент чокларига ролик полимерни қоплаш жараёнида унинг қайишқоқ втулкаси деформацияланади ва контакт юза бўйлаб амалга ошади. Ушбу юзани чегаралаш учун резинали втулканинг бикрлик коэффициентини аниқлаш формуласи олинди:

$$C_k = \frac{P_{пр} + g(m_{\dot{y}_k} + m_k + m_{пл})}{R(1 - \cos \frac{\alpha}{2})^2} \quad (4)$$

бу ерда,  $\alpha$ -ролик втулкаси деформацияланиш зонаси қамров бурчаги,  $R_{пр}$ -пружиналарни роликдаги сиқувчи кучи,  $C_k$ -ролик қайишқоқ элементи,  $g$ -резинали втулкасини бикрлик коэффициентини.

Олинган (4) ни сонли ечимига кўра ролик ташқи радиуси қийматларини ортиши билан бикрлик коэффициентини кўпайиши жадаллашади. Роликнинг йиғинди массаси  $(8,0 \div 10) \cdot 10^{-2}$  кг оралиғида бўлишини таъминлаш учун роликнинг сиртидаги параметрлари қийматлари тавсия этилади:  $R = (1,6 \div 1,8) \cdot 10^{-2}$  м,  $C_k \leq (1,4 \div 1,5) \cdot 10^{-3}$  Н/м. Ролик втулкаси деформацияланиш зонасининг қамров бурчаги 0,48 рад гача ортганда бикрлик коэффициентини  $2,81 \cdot 10^3$  Н/м дан  $1,52 \cdot 10^3$  Н/м гача чизикли боғланишда камаяди. Полимер сарфини  $0,32$  мг/см<sup>2</sup> дан ошмаслигини таъминлаш, ролик радиуси  $(1,6 \div 1,8) \cdot 10^{-2}$  м олинганини этиборга олиб унинг деформацияланишдан қамров бурчаги  $\alpha = (0,32 \div 0,36)$  рад оралиғида бўлиши тавсия этилади.

Роликни брезентни чокли юзаси билан таъсирлашувида куйидаги кучлар ҳосил бўлади: оғирлик кучи, марказдан қочма куч, пружина босим кучи, ишқаланиш кучи, реакция кучи (6-расм).



6-расм. Чокларга полимер қопловчи ролик ва материални таъсирлашув зонаси ҳисоб схемаси

Брезент юзаси ва полимер қопловчи роликнинг қайишқоқ втулкаси орасидаги ишқаланиш кучини аниқлаш ифодаси олинди;


$$F_{ишк} = \left[ (m_{\check{y}к} + m_k + m_{пл})g + \frac{C_{пр}C_kR(1 - \cos \frac{\alpha}{2})}{C_{пр} + C_k} + \omega^2 R (m_{\check{y}к} + m_k + m_{пл}) \right] \left( \frac{V_p - V_{бр}}{V_p} \right)^{-1} \quad (5)$$

бу едда  $\omega_p$ -ролик бурчак тезлиги,  $\alpha$ -ролик резинали втулкаси деформация зонаси қамрови бурчаги,  $R$ - ролик радиуси,  $f_1^1$ - ролик сирти билан брезент материали орасидаги ишқаланиш коэффициентини;  $N$ - умумлашган босим кучи,  $l_p$ - роликнинг эни.

Олинган (5) ни сонли ечимига кўра деформация қамров бурчаги 0,2 рад гача камайганида ишқаланиш кучи 1,41 Н дан 5,1 Н гача ортиб боришини таъкидлаш мумкин. Демак, тавсия қилинган  $\alpha = (0,32 \div 0,36)$  рад этиборга олиб, ишқаланиш кучи етарлича бўлишини таъминлаш учун келтирилган бикрлик коэффициентини  $(1,4 \div 1,6) \cdot 10^3$  Н/м оралиғида олиш тавсия этилади.

Маълумки ролик сиртидаги чизикли тезлик билан брезент материални силжитиш тезликлари ўзаро тенг бўлганда полимер қопламаси бир текисда суртилади, юқори мустаҳкамлик таъминланади. Агарда ушбу тезликлар фарқи


ортса, полимер сарфи камаяди, ролик ва брезент орасидаги ишқаланиш кучи камаяди. Демак  $f_1$  кучи ортиши билан ишқаланиш кучи ҳам ортади. Жумладан полимер массаси  $0,6 \cdot 10^{-2}$  кг ва деформация чуқурлиги  $1,5 \cdot 10^{-3}$  м бўлганда  $f_1$  нинг қийматлари 0,04 дан 0,32 гача ортганида ролик билан брезент орасидаги ишқаланиш кучи 0,8 Н дан 8,1 Н гача чизикли қонуниятда ортиб борди. Лекин қопланаётган полимер массаси  $2,4 \cdot 10^{-2}$  кг ва деформация чуқурлиги  $4,5 \cdot 10^{-3}$  м бўлганида  $f_1$  нинг 0,32 гача кўпайганда,  $F_{\text{ишқ}}$  қийматлари 2,32 Н дан 17,2 Н гача ортиб боришини кўришимиз мумкин (7-расм, 4-график). Брезент чокларига полимер қопламасини бир текисда сурилганини, ишқаланиш кучини  $F_{\text{ишқ}} \geq (12 \div 18)$  Н дан катта бўлишини таъминлаш учун ролик ва брезент чизикли тезликлари фарқини камайтириб  $f_1$  ни қийматларини (0,25 ÷ 0,35) оралиғида олиш тавсия этилади.



- 1- $m_{\text{пл}}=0,6 \cdot 10^{-2}$ кг;  $\Delta=1,5 \cdot 10^{-3}$ м;
- 2- $m_{\text{пл}}=1,2 \cdot 10^{-2}$ кг;  $\Delta=2,5 \cdot 10^{-3}$ м;
- 3- $m_{\text{пл}}=1,8 \cdot 10^{-2}$ кг;  $\Delta=3,5 \cdot 10^{-3}$ м;
- 4- $m_{\text{пл}}=2,4 \cdot 10^{-2}$ кг;  $\Delta=4,5 \cdot 10^{-3}$ м.

**7-расм. Брезент чокларига полимер композициясини қопловчи ускуна ролиги ва брезент материали юзаси орасидаги ишқаланиш кучини ўзгаришини ролик сиртидаги нуқта ва брезентнинг чизикли тезликларини ўзаро нисбатини ўзгаришига боғлиқлик графиклари**

Маълумки роликни йиғинди массаси қанчалик катта бўлса, ишқаланиш кучи ҳам шунча ортади. Графикларни таҳлилига кўра (8-расм)  $R=1,2 \cdot 10^{-2}$  м бўлганда  $m_{\text{й}}$  қийматлари  $4,0 \cdot 10^{-2}$  кг дан  $12,3 \cdot 10^{-2}$  кг гача кўпайганда ишқаланиш кучи 0,92 Н дан 5,35 Н гача чизикли қонуниятда ортиб борса,  $R=2,4 \cdot 10^{-2}$  м бўлганида  $F_{\text{ишқ}}$  қийматлари 7,1 Н дан 18,8 Н гача ортиб бориши аниқланди. Демак, ишқаланиш кучини юқорилигини таъминлаш учун ролик радиуси ва массасини каттароқ қилиб олиш, яъни,  $R=(1,6 \div 1,8) \cdot 10^{-2}$  м,  $m_{\text{й}}=(8,0 \div 10) \cdot 10^{-2}$  кг тавсия этилади.




- 1- $R=1,2 \cdot 10^{-2}$ м; 2- $R=1,6 \cdot 10^{-2}$ м;
- 3- $R=2,0 \cdot 10^{-2}$ м; 4- $R=2,4 \cdot 10^{-2}$ м.

**8-расм. Брезент чокларига полимер композициясини қопловчи ускуна ролиги ва брезент материали юзаси орасидаги ишқаланиш кучини ўзгаришини роликнинг келтирилган массасини ўзгаришига боғлиқлик графиклари**

Диссертациянинг “Брезент материалларини тикилган чокларига полимер композитни қоплаш ускунаси ўрнатилган тикув машинасини тажрибавий тадқиқотлари натижалари” деб номланган учинчи бобида тавсия қилинган қурилмани модернизация қилинган тикув машинаси тажриба


нусхаси электротензометрик усулда роликни юкланиш кучини, полимер сарфини, бош валдаги буровчи момент ва айланиш частотасини ўзгариш қонуниятлари, қопланган полимерни қуритиш ҳарорати қийматлари, ҳамда тўлиқ омили тажрибалар асосида параметрларнинг мақбул қийматлари аниқланган.

9-расмда полимер қопламасини суртувчи ускунаси ўрнатилган тикув машинасида параметрларни ўлчашнинг электротензометрик схемаси (а), унинг умумий кўриниши (б) ва қайишқоқ элементли сиқувчи роликни ўрнатилган ҳолати (в) келтирилган.



1- тикув машинаси; 2- мосламанинг юритмаси; 3- игна ипи; 4- ип йўналтиргич; 5- тарангловчи қурилма; 6- игна ҳолатини назорат қилувчи датчик; 7- журавлик; 8- сиқувчи ролик юкланишини назорат қилувчи датчик; 9- қиздирувчи элемент ва полимерни узатувчи трубка; 10- бош валнинг айланишлар сонини аниқловчи датчик (холла датчик); 11- момент аниқловчи; 12- токни олувчи қурилма; 13- АПЧ модулятори; 14- тензо кучайтиргич; 16- компьютер.

а- Тажриба қурилмасида система параметрларини ўлчашнинг электротензометрик тузилиш схемаси



б- Полимер композит қоплагичли тикув машинасининг умумий кўриниши ва ўлчов асбобларига уланган электротензометрик қурилма кўриниши




в- Тикилаётган брезент материални зичловчи роликнинг умумий кўриниши

**9-расм. Полимер қопламасини суртувчи ускунаси ўрнатилган тикув машинасида параметрларни ўлчашнинг электротензометрик схемаси (а), унинг умумий кўриниши (б) ва қайишқоқ элементли сиқувчи роликни ўрнатилган ҳолати (в) келтирилган.**




Тажрибавий тадқиқотлар натижасида олинган осциллограммалар (10-расм) таҳлиliga кўра тикув машинаси бош валидаги бурувчи момент ва айланиш частотаси хар бир чок қадамига боғлиқ равишда ўзгаришини кўриш мумкин. Худди шунингдек сиқувчи роликга бўлган юкланиш ҳам деярли шу қонуниятда ўзгаради. Бунда полимер қопламасини амалга оширувчи резинали роликлар ҳамда тикилаётган брезент материалларининг характеристикаларига боғлиқ равишда ушбу параметрлар ўзгариш қонуниятлари олинди. Сиқувчи ролик резинаси бикрлиги  $2,5 \cdot 10^3 \text{Н/м}$  бўлганда унинг юкланишини тебраниш амплитудаси бикрлик коэффиценти  $1,25 \cdot 10^3 \text{Н/м}$  бўлганига нисбатан деярли  $1,7 \div 1,8$  марта камроқ бўлганини кўриш мумкин. Мос равишда ролик босимининг ортиши полимер сарфини ҳам камайишига олиб келади. Бунинг асосий сабаби ролик резинаси бикрлиги юқори бўлганида, унинг деформацияланиши камаяди, брезент юзаси билан кантакт юзаси ҳам камаяди.




1- бош валдаги бурувчи момент;  
 2- полимер сарфи; 3- қиздириш зонасидаги ҳарорат; 4- игна ҳолати;  
 5- роликнинг юкланиши; 6- бош вални айланиш частотаси.  
 Бош вал айланиш частотаси  $5000 \text{ мин}^{-1}$ .  
 Резинли валик учун бикрлик коэффиценти  $c=2,0 \cdot 10^3 \text{Н/м}$ . (ПВ, ОП, СКПВ) маркали брезентлар учун,  $h=5,0 \cdot 10^{-3} \text{м}$ ;  $t=70 \div 75^\circ$

**10-расм. Полимер композиция қоплагич ролиги айланиш частотасини ва тикилган брезент материаллари қалинлигини ўқдаги сиқувчи куч ва полимер композициясини сарфига боғлиқлик қонуниятлари**



1,2,  $t - P = f(c)$ ;  $t-P=f(c)$ ;  
 3,4,5- $M_{pb}=f(c)$ ; 1,2,3,4- тажрибавий;  
 5,6- назарий  
 1,3- $n_{6,b}=5000 \text{ айл/мин}$ ;  
 2,4- $n_{6,b}=3500 \text{ айл/мин}$ .  $t=65 \div 70^\circ$   
 а- Брезент чокларига полимер композитни қоплаш ускунаси ролигидаги сиқувчи куч ва бурувчи момент ўзгаришларини ролик резинаси втулкасининг бикрлик коэффицентига боғлиқлик графиклари



$$1,2-m_n=f(n); \quad 3,4-p=f(n);$$

$$1,3-h=5.0 \cdot 10^{-3}; \quad 2,4-h=3.0 \cdot 10^{-3} \text{ м};$$


$$t=70^{\circ} \div 75^{\circ}$$

б- Ускуна ролигидаги сиқувчи куч ва полимер композицияси сарфини бош вал айланиш частотасига ва брезент материали қалинлигига боғлиқлик графиклари

**11-расм. Боғланиш графиклари**

Олинган натижалар (11-расм) графиклар таҳлилига асосан сиқувчи ролик резинали втулкаси бикирлиги коэффициенти  $0,85 \cdot 10^3 \text{ Нм}$  дан  $2,15 \cdot 10^3 \text{ Нм}$  гача кўпайганида роликдаги юкланиш  $n_{б.в.} = 3500$  айл/мин да  $0,14 \text{ Н}$  дан  $0,48 \text{ Н}$  гача ортади, бош валдаги бурувчи момент  $0,42 \cdot 10 \text{ Нм}$  дан  $0,63 \text{ Нм}$  гача ночизикли қонуниятда ортишини кўриш мумкин. Бош вал айланиш частотаси  $5000$  айл/мин бўлганида  $P$  нинг қийматлари  $0,26 \text{ Н}$  дан  $0,74 \text{ Н}$  гача ортса,  $M_{б.в}$  қийматлари  $0,61 \cdot 10 \text{ Нм}$  дан  $0,79 \cdot 10 \text{ Нм}$  гача ортиб боради. Бунинг асосий сабаби роликни брезент сирти билан таъсирларидаги куч ортади, демак тикув машинаси бош валига тушадиган юкланиш ҳам ортади. Лекин чокларга қопланаётган полимер композитнинг сарфини  $(0,2 \div 0,3) \text{ мг/см}^2$  дан ошганлигини, қуритиш тўлиқ бўлишини таъминлаш учун қопловчи роликлар резинаси втулкаси бикирлик коэффициентининг қийматлари  $(1,9 \div 2,3) \cdot 10^3 \text{ Нм}$  оралиғида бўлиши тавсия этилади. Таъкидлаш лозимки, олинган графиклар таҳлилига кўра назарий ва тажрибавий натижалар фарқи  $(6,5 \div 8,2) \%$  дан ошмайди. (11а -расм, 4,5 ва 1,6-графиклар).

Тикув машинаси бош вали айланиш частотаси  $2500$  айл/мин дан  $5000$  айл/мин гача кўпайганида полимер қоплаш ролигидаги юкланиш  $h=3,0 \cdot 10^{-3} \text{ м}$  да  $P$  қийматлари  $0,25 \text{ Н}$  дан  $1,1 \text{ Н}$  гача ночизикли қонуниятда ортиб борса,  $h=5,0 \cdot 10^{-3} \text{ м}$  бўлганида  $P$  қийматлари  $1,51 \text{ Н}$  дан  $2,7 \text{ Н}$  гача кўпайди. Бунда қуритиш зонасидаги ҳарорат  $70^{\circ} \div 75^{\circ}$  гача ортади. Чунки тезлик ортиши билан полимерни қуритиш секинлашади. Шунинг учун ҳарорат оширилди. Мос равишда тезлик ортиши билан полимер сарфи сезиларли даражада кўпаяди. Бунинг асосий сабаби, ролик айланиш тезлиги брезентни суриш тезлигидан уларни ўзаро сирпаниши туфайли бироз камаяди, бу эса, полимер сарфини орттиради (11б -расм, 1,2-графиклар). Полимер сарфини  $(0,2 \div 0,3) \text{ мг/см}^2$  оралиғида бўлишини таъминлаш учун бош вални айланиш частотаси  $(3500 \div 4500)$  айл/мин оралиғида бўлиши тавсия этилади.



1,2- $m_A=f(h)$ ; 3,4- $\Delta p=f(h)$ ;  
 1,4- $c=2,4 \cdot 10^3$  Н/м;  
 3,4- $c=1,5 \cdot 10^3$  Н/м

**12-расм. Полимер композиция сарфни ва сиқувчи кучни тебраниш камровини тикилган брезент материаллари қалинлигига боғланиш графиклари**

Қурилган график боғланишлар таҳлилига кўра (11-расм) брезент материаллари қалинликлари  $3,0 \cdot 10^{-3}$  м дан  $5,0 \cdot 10^{-3}$  м гача кўпайганида полимер сарфи  $c=1,5 \cdot 10^3$  Н/м да  $m$  қийматлари  $0,095$  мг/см<sup>2</sup> дан  $0,245$  мг/см<sup>2</sup> гача ночизикли қонуниятда ортса,  $c=2,4 \cdot 10^3$  Н/м да  $m$  қийматлари  $0,15$  мг/см<sup>2</sup> дан  $0,335$  мг/см<sup>2</sup> гача ортади. Мос равишда сиқувчи роликдаги юкланиш қийматлари  $c=1,5 \cdot 10^3$  Н/м да  $0,085$  Н дан  $0,23$  Н гача бўлса,  $c=2,4 \cdot 10^3$  Н/м да  $\Delta P$  нинг қийматлари  $0,21$  Н дан  $0,39$  Н гача ночизикли қонуниятда ортишини кўриш мумкин (12-расм, 3,4-графиклар). Шунинг учун роликдаги юкланиш тебранишини максимал камайтириш учун  $c=(1,9 \div 2,3) \cdot 10^3$  Н/м ва  $h \leq 5,0 \cdot 10^{-3}$  м дан ошмасликни тавсия этилади.

Тажрибавий тадқиқотларда СКПВ, ПВ ва ОП брезент материаллари чокларига полимер қопланганда уни узиш кучи, яъни мустақамлиги махсус узиш ускунасида амалга оширишда 1-жадвалда узиш кучини чоклар қадамига боғлиқлик натижалари келтирилган.


Силикон полимери қўлланилганда узувчи кучни чок қадамига боғлиқлиги

1-жадвал

Чокнинг қадами мм.	Юкланиш СКПВ	Юкланиш ПВ	Юкланиш ОП
1	152	116	105
2	101,5	81,0	70,1
3	69	31,5	29,4
4	41,2	16,6	18
5	26,1	10,1	9,8

Силикон полимери қўлланилганда чок қадами  $1,0$  мм дан  $5,0$  мм гача ортганида ОП маркали брезент чокини узиш кучи  $100$  Н дан  $9,8$  Н гача камайса, СКПВ брезенти чокларини узиш кучи  $152$  Н дан  $24,3$  Н гача камаяди. Шунинг учун брезент чокини узиш кучини  $(80 \div 100)$  Н дан ортиқ бўлишини таъминлаш учун чок қадами  $(3,5 \div 4,0)$  мм дан кичик бўлиши тавсия этилади.

Шунингдек брезент чокларини сув ўтказувчанлиги муҳим ҳисобланади, уни аниқлаш учун WP-1600 Н қурилмасидан фойдаланилди. Натижалар 13-расмда келтирилган.



1-қатор Чоксиз тоза брезент материали учун; 2-қатор Полимер қопламасиз чок;  
3-қатор ПВХ полимер қопламали чок учун; 4-қатор Силикон полимер қопламали чок учун.  
Кўк ранг СКПВ материали учун, Қизил ПВ ва сариқ ОП материали учун.

### 13-расм. Материалнинг сув ўтказувчанлик гистограммаси

